



Protected by PDF Anti-Copy Free

Tel: (70) 202-01-59, (70) 202-01-62, e-mail: i.bekobod@sud.uz
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАҚИҚАТ ҲАМ
PDF
ЎЗ ҚАРОРИ

2022 йил 27 декабрь

Бекобод шаҳар

4-1106-2203/1491-сонли иш

Бекобод туманлараро иқтисодий судининг судьяси М.Набиев раислигида, Ж.Таированинг котибалигида, [REDACTED]

(ишончномага асосан)

иштирокида, даъвогар [REDACTED]

жавобгар “ [REDACTED]

100 491 074,60 сўм асосий қарз, 52 173 523,80 сўм пеня, жами 152 664 598,4 сўм ундириш тўғрисидаги даъво аризаси юзасидан қўзғатилган ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

даъвогар “ [REDACTED]

(бундан буён матнда “даъвогар” деб юритилади) манфаатида [REDACTED]

судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар [REDACTED]

(бундан буён матнда “жавобгар” деб юритилади) 100 491 074,60 сўм асосий қарз, 52 173 523,80 сўм пеня, жами 152 664 598,4 сўм ундиришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили даъво аризада келтирилган асосларни таъкидлаб, тарафлар ўртасида энергия таъминоти шартномаси тузилганлиги, ушбу шартномага асосан даъвогар туташтирилган тармоқ орқали жавобгарга электр энергия етказиб берганлиги, бироқ жавобгар қабул қилинган электр энергия ҳақини шартномада белгиланган муддатларда тўламаганлигини билдириб, даъвони тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган бўлса-да, бугунги суд мажлисида иштирок этмади, даъво аризаси юзасидан фикр билдирмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 170-моддасининг учинчи қисмига кўра иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Мазкур ҳолатда суд, низо юзасидан қарор қабул қилиш учун материаллар етарли эканлигини инобатга олиб, ИПКнинг 170-моддаси

талабларидан келиб чиқиб, ишни жавобгар вакили иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд, иш хужжатларини ўрганиб, даъвогар вакилининг кўрсатмаларини тинглаб, қуйидагиларга асосан даъвои қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (бундан буён матнда “ФК” деб юритилади) 8 ва 234-моддаларига кўра мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш ҳолатида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиққан ҳолда тарофлар ўртасида тузилган шартномадан келиб чиққан.

Мазкур ҳолатда ушбу шартнома тарофлар ўртасида тузилган шартномадан келиб чиққан.

Иш хужжатларидан кўринишича, тарофлар ўртасида 2019 йил 20 январда электр энергиясидан фойдаланиш юзасидан 22-0582-сонли шартнома имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (бундан буён матнда “ФК” деб юритилади) 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун хужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Шартноманинг 1-бандига кўра, “корхона” (даъвогар) “истеъмолчи” (жавобгар) электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш, жавобгар эса истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олган.

ФКнинг 468-моддасига асосан, энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Тарофлар ўртасида тузилган шартноманинг 3.6-бандига кўра, истеъмолчи келгуси ҳисоб-китоб даврига у бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан 100 фоиз тўловни амалга ошириш мажбуриятини олган.

Шартнома шартларидан келиб чиқиб, даъвогар ўзининг шартномавий мажбуриятларини лозим даражада бажариб, жавобгарга шартномада кўрсатилган миқдорда электр энергиясини етказиб берган.

ФКнинг 474-моддасига кўра агар қонун хужжатларида ёки энергия билан таъминлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, энергия ҳақи абонент амалда қабул қилган энергия миқдори учун тўланади, бу миқдор ушбу Кодекснинг 470-моддасига мувофиқ аниқланади.

Бироқ, жавобгар ўзининг шартномавий мажбуриятларини лозим даражада бажарилмаслиги яъни, етказиб берилган электр энергияси учун тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида 100 491 074,60 сўм қарздорлик келиб чиққан.

Ушбу қарздорликни тўлаш юзасидан даъвогар томонидан юборилган талабнома жавобгар томонидан жавобсиз қолдирилган. Шу боис даъвогар

судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, мавжуд қарздорликни ундиришни сўраган.

Даъво талабининг асосий қарз ундириш талаби иш хужжатлари ҳамда даъвогар вакилининг кўрсатмалари билан тўлиқ тасдиқланади. Қолаверса, жавобгар ушбу ҳолатларни инкор этувчи далилларни судга такдим этмади.

Шу сабаб суд даъвогарнинг асосий қарз ундириш талаби тўлиқ қаноатлантирилиши лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, даъвогар шартнома шартларидан келиб чиқиб, электр энергия ҳақи ўз вақтида тўлиқ солиши учун жавобгардан 52 173 523,80 сўм пеня ундиришни сўраган.

ФК 477-моддасининг шартлари қисмига кўра энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда энергия билан таъминловчи ташкилот ёки абонент шу тўғрисида етказилган ҳақиқий зарарни қоплаши шарт.

Шартноманинг 3.10-бандида истемолчи етказиб берилган электр энергияси бўйича ҳар ойда тўлиқ ҳисоб-китоб қилиши шартлиги, ҳисоб-китоб ойдан кейинги календарь ой тугагач қарз тўлов муддати ўтган ҳисобланиши ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун ушбу сумманинг 0,1 фоизи миқдорида пеня ҳисобланиши, бунда пенянинг умумий миқдори муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Жавобгар ўзининг шартномавий мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги даъвогар вакилининг кўрсатмалари ҳамда иш хужжатлари билан тўлиқ тасдиқланади.

Даъвогар томонидан пеня миқдори тўғри ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 326-моддасига кўра, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олинishi керак.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун хўжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарорининг 4-бандида ҳам тушунтириш берилган.

Суд, ушбу ҳуқуқ нормасидан келиб чиқиб, тарафларнинг манфаатларини ҳамда жавобгарнинг молиявий аҳволини инобатга олиб, даъвогар томонидан талаб қилинган пеня миқдорини 4 250 000 сўмгача камайтиришни, пенянинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддасининг биринчи қисмига кўра суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Қайд этилганларга кўра, суд иш хўжатларини тўлиқ ўрганиб, даъвогар вакилининг кўрсатмаларини тинглаб, ишнинг ҳақиқӣ ҳолатидан келиб чиқиб, даъвогарнинг даъво талабларини қисман қаноатлантиришни ва

ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 170, 186, 190 ва 192-моддаларини қўллаб, суд

Protected by PDF Anti-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Даъвогар

100 491 074,60 сўм асосий қарз, 52 173 523,80 сўм пеня, жами 152 664 598,4 сўм ундириш тўғрисидаги даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар

даъвогар

100 491 074,60 сўм асосий қарз, 4 250 000 сўм пеня, олдиндан тўланган 24 000 сўм почта харажати, жами 104 765 074,6 сўм ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад қилинсин.

Жавобгар Республика бюджетига 3 053 292 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан шу суд орқали Тошкент вилоят судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатига ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида апелляция тартибида шикоят бериш мумкин.

Раислик қилувчи, судья

М.Набиев